

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

МАШРАБОВ МАНСУР ИБРАГИМОВИЧ

**МАГНИЙ КАРБОНАТЛИ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА ФОСФОР
САҚЛОВЧИ ЎҒИТЛАРНИ ҒЎЗА ОЗИҚЛАНИШИГА ТАЪСИРИНИ
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Машрабов Мансур Ибрагимович

Магний карбонатли шўрланган тупроқларда фосфор сакловчи ўғитларни
ғўза озикланишига таъсирини илмий асослаш..... 3

Машрабов Мансур Ибрагимович

Научное обоснование влияния фосфорсодержащих удобрений на
питание хлопчатника в условиях почв с карбонатно–магниевым
засолением..... 17

MashraboV Mansur Ibragimovich

Scientific substantiation of the effect of phosphorus – containing fertilizers on
cotton nutrition on saline soils with magnesium carbonates..... 31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 35

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

МАШРАБОВ МАНСУР ИБРАГИМОВИЧ

**МАГНИЙ КАРБОНАТЛИ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА ФОСФОР
САҚЛОВЧИ ЎҒИТЛАРНИ ҒЎЗА ОЗИҚЛАНИШИГА ТАЪСИРИНИ
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx200 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (<http://www.ziynet.uz>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Хошимов Фарход Ҳакимович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Ниязалиев Бегали Ирисалиевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.
Каримбердиева Амина Азимовна,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «05» 03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871)246-76-00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.)

Диссертация автореферати 2018 йил «21» 02 кунни тарқатилди.
(2018 йил «21» 02 даги 2 рақамли реестр баённомаси)



[Signature]
Р.Қ.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

[Signature]
Н.Ю.Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

[Signature]
М.М.Тошқўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш салмоғи 2016 йилда азот, фосфор ва калий бўйича тегишлича 111,7; 41,4 ва 32,7 млн. тоннани ташкил этган¹. Ушбу озик элементлари ичида фосфор хомашёсининг умумий захираси ер юзасида чекланган бўлиб, қазиб чиқарилаётган фосфат хомашёсининг 80 фоиздан ортиқроғи озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун сарфланмоқда². Дунё қишлоқ хўжалигида энергия ва ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилмоқда. Аммо, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, эрозияланиш, шўрланиш, ўғитлардан самарасиз фойдаланиш оқибатида ҳосилдорликнинг 15–22 фоизга камайиши кузатилмоқда.

Фосфор сақловчи ўғитларнинг самарадорлигини ошириш, ғўза ва алмашлаб экиладиган бошқа экинларни самарали ўғитлаш меъёрлари ва етиштиришнинг агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан³ The University of Texas School of Law (АҚШ), Rothamsted experimental station (Буюк Британия), Chinese Cotton Research Institute (Хитой), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), International Plant Nutrition Institut (IPNI) каби илмий ташкилотларда изланишлар олиб борилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Республикамизда тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш, шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш эвазига қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган технологияларни жорий этиш борасида кенг қамровдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, агрокимё хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш» муҳим стратегик вазифа қилиб белгиланган. Шу туфайли, республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда маҳаллий хомашёлар асосида олинган янги типдаги ўғитларнинг карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқларнинг озик режими, тупроқ фосфатлари фракцион таркибига таъсири, ўғитнинг фойдаланиш коэффициентини ошириш орқали ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

¹ <http://www.apk-inform.com>

² <http://www.ipni.net>

³ <http://www.caas.cn/en>; <http://www.rotamsted.org>; <http://www.cicr.org.in>; <http://www.global.oup.com>; <http://www.ipni.net>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги «Ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ – 2640 – сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 03-12-7 – сон «2017 – 2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик химоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлари Дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф – муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитларни турли тупроқ шароитларида тупроқ озик режимига, турли қишлоқ хўжалик экинлари ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича Қ.Мирзажонов, Н.М.Ибрагимов, Б.И.Ниёзалиев, С.М.Тожиёв, Т.П.Вайс, Б.Х.Тиллабеков, О.В.Мячина, Р.Н.Назаров, А.Т.Алиев, Р.Н.Ким, Х.Мирзакулов, А.Эркаев, А.Тоштемиров, Ш.Каримов, Д.Сиддиқова, Л.А.Мирзаев, М.Ф.Қодирхўжаева, С.С.Шукурова, С.Тўхтаев, Х.А.Райимбердиев, Ф.Ҳ.Хошимов, М.А.Хайитов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, магний карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқлар шароитида Қизилқум фосфоритлари асосида янги типдаги фосфор сақловчи АФУ ва НКФУ ўғитларининг самарадорлигини аниқлаш бўйича ишлар етарлича амалга оширилмаган. Бу ўғитларнинг магний карбонатли ўтлоқ тупроқлари озик режими, хусусан фосфорнинг умумий ва ҳаракатчан шакллари миқдори, фракцион таркиби, фосфорнинг фойдаланиш коэффициенти, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-008-2015 «Зарафшон дарёси ўрта оқими карбонатли тупроқлари шароитида Қизилқум фосфоритлари асосида олинган ўғитларни рационал кўллаш меъёрларини ўрганиш» (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Қизилқум фосфоритлари асосида олинган ўғитларнинг магний карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқлар озик режими, тупроқ фосфатлари таркибига таъсири, юқори ва сифатли пахта ҳосили олишни таъминлайдиган самарали меъёрини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

комплекс ўғит тури ва меъёрларининг тупроқдаги ҳаракатчан фосфор динамикаси, фосфор баланси, ўғитлардан фосфорни фойдаланиш коэффициентини аниқлаш;

янги типдаги фосфор сақловчи ўғитлар таркибидаги фосфорнинг тупроқ фосфатлари фракцион таркиби ўзгаришига таъсирини ўрганиш;

магний карбонатли ўтлоқ тупроқларда турли меъёрда қўлланилган фосфор сақловчи ўғитларнинг ғўзани ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

қўлланилган ўғитларнинг ғўза етиштиришдаги иқтисодий ва биоэнергетик самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида магний карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқлар, Қизилқум фосфоритлари асосида олинган янги типдаги азот – фосфорли ўғит – АФУ, нитрокальцийфосфат– НКФУ ўғитлари, ғўзанинг ўрта толали «Оқдарё-6» ва «Омад» навлари хизмат қилади.

Тадқиқот предмети ўғитларни турли меъёр ва нисбатлари, тупроқдаги ҳаракатчан фосфор динамикаси, тупроқдаги фосфатларнинг фракцион таркиби, фосфорнинг фойдаланиш коэффициенти ва баланси, ғўза ҳосилдорлиги, толанинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тажрибалар «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения», «Суғориладиган тупроқларда минерал ва органик ўғитларни табақалаштириб қўллаш бўйича тавсиялар», «Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида олинган янги фосфорли ўғитлар ва улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш бўйича тавсиялар», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Экинларни озиклантиришда минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш бўйича тавсияномалар» бўйича, тупроқ ва ўсимлик таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Агрохимические методы исследования почв», «Методы агрохимических исследований почв», «Практикум по агрохимии» бўйича олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлиллари «Методика полевого опыта» бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қизилқум фосфоритлари асосида олинган АФУ ва НКФУ ўғитларининг Зарафшон водийси магний карбонатли ўтлоқ тупроқлари озик режимига таъсири аниқланган;

ўтлоқ тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари, озик моддалари динамикаси, фосфорнинг баланси, ғўзанинг фосфорни ўзлаштириш коэффициентига ўғитлар меъёрларининг таъсири аниқланган;

қўлланилган ўғитларни тупроқ фосфатлари фракцион таркиби, турли гуруҳларга кўчиш характери, тупроқ фосфат сифими ва интенсивлиги, улар орасидаги боғлиқлик характери ва тиғизлиги исботланган;

АФУ ва НКФУ ўғитлари ғўзанинг «Омад» ва «Оқдарё-6» навлари ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифатига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган;

ўғитларнинг биоэнергетик самарадорлиги (ФИК) АФУ ўғитида - 1,32, НКФУ ўғитида эса 1,35 га тенг бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Зарафшон водийси магний карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқлар шароитида Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитларнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши учун қулай фосфат режимини ҳосил қилувчи меъёрлари ишлаб чиқилган;

АФУ ва НКФУ ўғитларини 175 кг/га меъёрда қўллаш N250K125 ўғитлаш фониға нисбатан юқори агрономик (қўшимча ҳосил 7,9 – 8,8 ц/га), иқтисодий (рентабеллик 34,5 %) ва биоэнергетик (ФИК 1,32–1,35) самарадорликни таъминланиши аниқланган;

илмий изланиш натижаларидан қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ўқув жараёнида талабаларға «Пахтачилик», «Тупроқшунослик ва агрокимё», «Ўғит қўллаш тизими», «Пахтачиликда агрокимё» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланган ҳолда математик, статистик, корреляцион-регрессион таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалиётда қўлланилаётганлиги, тадқиқот натижалари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги унинг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қизилқум фосфоритларидан олинган ўғитлар (АФУ ва НКФУ)нинг турли меъёрлари карбонатли ўтлоқ тупроқлар озик режими, фосфор баланси, олиб чиқилиши ва ўғитлардан озик моддаларнинг ўзлаштирилиш даражалари ҳамда фосфорнинг фракцион таркиби, фосфат сиғими ва интенсивлигига, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири, биоэнергетик самарадорлиги бўйича янги маълумотлар олиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини янги фосфор сақловчи ўғитларни ғўзанинг «Омад» навидан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган мақбул меъёрлари, самарали турлари аниқланиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилиши белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Магний карбонатли шўрланган тупроқларда янги турдаги фосфор сақловчи ўғитларни ғўза озикланишига таъсирини ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

магний карбонатли шўрланган тупроқлардан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган «Зарафшон водийси тупроқлари шароитида фосфор сақловчи ўғитлардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар» Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан (12.12.2017 й.) тасдиқланган. Ушбу тавсиялардан фойдаланиш тупроқлардаги умумий ва минерал фосфатлар

миқдорини ошишига ва ўсимликларнинг ўғитлардан фойдаланиш коэффициенти 13,2 – 13,4 фоиз бўлишига хизмат қилган;

тупроқлар унумдорлиги ва ғўза озиқланишини мақбуллаштиришга қаратилган агротехнологик тадбир ишлаб чиқилиб, Самарқанд вилояти карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқлар шароитида 289,9 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 25 ноябрдаги 07/23-1095 – сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқда қулай фосфат режими шаклланиб, ҳаракатчан фосфорнинг дастлабки миқдорини 1,0 – 1,5 мг/кг (P_2O_5) га ошиши таъминланган;

фосфор сақловчи ўғитларни қўллаш асосида ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича ишлаб чиқилган агротехнология Самарқанд вилояти Оқдарё ва Каттакўрғон туманларида 2015 – 2016 йилларда 289,9 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 25 ноябрдаги 07/23-1095 – сон маълумотномаси). Бунинг натижасида «Омад» навидан кўшимча 3-4 ц/га ҳосил етиштирилиб, 215 – 350 минг сўмгача соф фойда олинган, рентабеллик даражаси 20 – 22 фоиз бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 12 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашларда 8 та мақола, шундан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, изланишларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий натижалари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Фосфор сақловчи ўғитлар самарадорлигини ўрганишга оид изланишлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган мавзуга оид хорижий ва маҳаллий илмий, адабий манбалар, олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, интернет маълумотлари ўрганилган. Турли фосфор сақловчи ўғитларнинг тупроқдаги ҳаракатчан фосфор динамикасига таъсири, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши,

ҳосилдорлиги ҳамда толанинг технологик кўрсаткичларига таъсири таҳлил этилган. Мазкур бобнинг иккинчи қисми Қизилқум фосфоритлари асосида олинган янги типдаги ўғитларнинг тупроқда ўзгариши, турли экинлар ҳосили шаклланиши бўйича натижалар таҳлил қилиниб, шу асосда тадқиқот мақсади ва вазифалари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва қўлланилган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот услублари, қўлланилган ўғит ва экилган навларнинг тавсифи келтирилган.

Қизилқум фосфоритлари асосида янги типдаги АФУ ва НКФУ ўғитларининг самарадорлигини аниқлаш борасида дала ва лаборатория тажрибалари 2007 – 2015 йиллар давомида Зарафшон водийси карбонатли ўтлоқ тупроқлари шароитида олиб борилган.

Лаборатория тажрибаларида АФУ ва НКФУ ўғитларининг ўтлоқ тупроқ хоссаларига таъсири ўрганилган.

Лаборатория тажрибаларида 11 вариант 8 такрорликда сифими 1 кг. бўлган шиша идишларда компостлаш ўтказилиб, 15, 30, 60, 90, 120 ва 180 кундан сўнг таҳлиллар ўтказилган.

Дала тажрибалари АФУ, НКФУ ўғитлари меъёрларининг тупроқ агрохимёвий хоссалари, «Омад» ва «Оқдарё-б» ғўза навлари ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва толанинг сифатига таъсири ўрганилган.

Дала тажрибаларида 11 вариант 4 такрорлашда ўтказилиб, пайкал майдони 216 м² ни, ҳисоб майдони – 108 м² ни ташкил этган.

Тажрибаларда аммофос (10 % N, 46 % P₂O₅), АФУ (10 % N, 10 % P₂O₅), НКФУ (6 % N, 16 % P₂O₅) ўғитлари ишлатилган.

Тупроқ намуналаридан гумус – И.В.Тюрин услубида, умумий азот, фосфор ва калий – И.М.Мальцев, Л.П.Гриценко услубида, нитрат азоти – Грандвальд Ляж усулида, аммонийли азот – Несслер реактивида, ҳаракатчан фосфор – Б.П.Мачигин усулида, алмашинувчан калий – П.В.Протасов усулида, фосфат сифими – С.Олсен услубида, фосфат инсенсивлиги – Р.Скофильд услубида, рН – сувли сўримдан ион селектив усулида, карбонатлар – сирка кислотали сўримдан Д.М.Кугучков усулида, фракцион таркиби - Чанг Джексон усулининг Аскинази, Гинзбург, Лебедева варианты бўйича, органик фосфор – Мета усулида, ғўза таркибидаги фосфор – К.Гинзбург, Г.Щеглова, Е.Вильфиус усулида аниқланган.

Дала ва лаборатория тажрибалари «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения» (1981) асосида олиб борилган. Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) бўйича дисперсион, корреляцион, регрессион ва В.Г.Минеев (2004) бўйича биоэнергетик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Фосфор сақловчи ўғитларнинг тупроқ озик режимида, ғўза ҳосилдорлиги ҳамда тола сифатига таъсирини илмий асослаш**» деб номланган учинчи бобида тажрибадан олдин тупроқ таркибидаги гумус миқдори 1,30 фоизни ташкил этган бўлса, стационар усулда ўтказилган 3 йиллик тажрибадан сўнг гумус миқдори 1,24 – 1,34 фоиз


бўлганлиги, бунда минерал ўғитлар қулай нисбатларда қўлланилган АФУ150, АФУ175 ҳамда НКФУ150, НКФУ175 вариантларда гумус миқдорининг дастлабки кўрсаткичга нисбатан деярли ўзгармаганлиги келтирилган.

Тупроқнинг ҳайдов қатламида 3 йил давомида умумий азот миқдорининг камайиши, умумий фосфор ва калий миқдори бўйича эса нисбатан ўзгаришга учрамаганлиги аниқланган.

Ўғитсиз – назорат вариантыда ўғитлашдан олдин нитрат ва аммоний шаклидаги азот миқдори 15,6 ва 22,5 мг/кг бўлган бўлса, кейинги аниқланган муддатларда нитрат миқдори ортиб бориб, аммоний миқдори бироз камайган, гуллаш фазасида ғўза кўп ўзлаштиришига қарамай пишиш фазасида мос равишда нитрат ва аммоний шаклидаги азот миқдорлари 17,7 ва 16,8 мг/кг бўлганлиги тупроқнинг нитрификациян фаолияти билан изоҳланади.

Ғўза ўсимлигининг 2-3 чинбарг фазасида ҳаракатчан фосфор ўғитсиз – назорат вариантыда дастлабки миқдорининг камайиши кузатилган ва бу ҳолат ўсув даври охиригача сақланиб қолган.

Ўсимликнинг шоналаш фазасида ўғитсиз–назорат вариантыда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори 15,2 мг/кг P_2O_5 ни ташкил этган бўлса, ўғитлар бир хил меъёрга қўлланилган вариантларда ўғитсиз-назорат вариантыга нисбатан бу кўрсаткич ўғит шакллари (Аммофос, АФУ ва НКФУ) мос равишда 23,3; 23,2 ва 23,4 мг/кг P_2O_5 кўп бўлиши аниқланган (1-расм).



1-расм. Фосфор сақловчи ўғитларининг тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдorigа таъсири, мг/кг P_2O_5 (0-30 см)


Ўсимликнинг гуллаш фазасида ҳаракатчан фосфор миқдори бироз ортиб, амал даври охирида бу миқдор камайиши кузатилган.

Тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдорининг АФУ ва НКФУ ўғитлари меъёрига боғлиқлиги тўғри чизиқ кўринишида ($y=ax+b$) бўлиб, корреляция коэффицентлари $r=0,97-0,99$ га тенглиги аниқланган.

Тупроқ фосфатларининг фракцион таркиби аниқланганда минерал фосфатлар фракциялари ичида юқори асосли кальций фосфатлар нисбатан

камроқ ўзгаришга учраганлиги, нисбатан барқарор фракция феррофосфатлар бўлиб, АФУ қўлланилган вариантларда улар қисман ўзгаришга учраган. НКФУ қўлланилганда алюмо ва феррофосфат фракцияларининг миқдори камайиши кузатилган. Айти вақтда НКФУ ўғити қўлланилган вариантларда Са_I-P ва Са_{II}-P лар миқдори ошган. Бу НКФУ ўғити таркибидаги кальций фосфатлари билан боғлиқлиги келтирилган.

Умуман, фосфорли ўғитлар фосфор фракцион таркибининг ўзгаришига, жумладан, бўш бириккан Са_I-P миқдори ошиши, айти вақтда АФУ қўлланилганда Al-P, Fe-P ошган бўлса, НКФУ ўғити қўлланилганда камайиши, Са_{II}-P миқдори эса ҳар иккала ўғит тури меъерининг ортиб бориши билан кўпайганлиги аниқланган (2-расм).



2-расм. Фосфор сақловчи ўғитларнинг тупроқ таркибидаги фосфорнинг фракцион таркибига таъсири, мг/кг


Карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқлар фосфат сифими С.Олсен услуби бўйича лаборатория тажрибаларида аниқланганда АФУ ва НКФУ ўғитлари бўйича фарқлар кузатилиши, АФУ ўғити меъёри ва фосфат сифими орасидаги боғлиқлик тиғиз ($r=0,86$) бўлиб, $y=58,1+1,02x-0,01x^2$ эгри чизикли характерга эга эканлиги, НКФУ ўғити бўйича тўғри чизикли $y=0,3x+68,2$ характерга ва корреляция коэффиценти $r=0,97$ га тенглиги аниқланган. Р.Скофильд бўйича тупроқ фосфатларининг интенсивлиги ва ўғит меъёрлари орасидаги боғлиқлик тиғиз ($r=0,99$) ва эгри чизикли характерга эгалиги аниқланган.

Фосфор сақловчи АФУ ва НКФУ ўғитлари тупроқда қулай озик режими ҳосил қилиши улардан фосфорни ўзлаштирилиш коэффиценти макбул ўғитлаш меъёрларида «Омад» навида 13,2 фоиз, «Оқдарё -6» навида 13,3 – 13,4 фоиз бўлиши аниқланган.

Фосфор баланси ўғитсиз – назорат ва НК вариантларида манфий, барча ўғитлаш вариантларида мусбат бўлиши аниқланган. Фосфордан фойдаланиш ва ўғит меъёрлари орасидаги боғлиқлик нафақат ўғит турига балки ғўза


навига ҳам боғлиқлиги аниқланган. «Омад» навига нисбатан «Оқдарё -6» нави таъсирчанлиги юқори ($r=0,78$) бўлиши аниқланган.

Вўза ўсимлиги ўсиши, ривожланиши ва фосфор сақловчи ўғитлар меъёрларининг таъсирини аниқлаш асосида тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдори (X), ҳосил шоҳлар сони (Y) ва бош поя баландлиги (Z) орасидаги боғлиқлик «Омад» навида АФУ ўғити бўйича $r_{xy(z)}=0,95$; $r_{xz(y)}=0,97$; $r_{yz(x)}=0,99$ га тенг бўлиб, «Оқдарё -6» навида тегишлича: 0,94; 0,95; 0,99 бўлгани ҳолда НКФУ ўғитида юқоридагига мос равишда корреляция коэффициентлари 0,83; 0,97; 0,69 ва 0,94; 0,70; 0,85 бўлиши аниқланган (3 - расм).



3 - расм. Тупроқ таркибидаги фосфор миқдори (X), ўсимлик бўйи (Z) ва ҳосил шоҳлар сони (Y) орасидаги коррелятив боғлиқлик, (1-АФУ, 2-НКФУ, «Омад» нави ва 1а-АФУ, 2а-НКФУ, «Оқдарё -6» нави)

Тажрибаларда 2007 йил назорат вариантыга нисбатан «Омад» навида АФУ ўғити ҳисобига 1,7 – 7,6 ц/га, НКФУ ўғитидан эса 3,1 – 7,8 ц/га қўшимча ҳосил олиниши, энг юқори ҳосилдорлик 36,4 ц/га НКФУ ўғитини 175 кг/га P_2O_5 ҳолида қўлланилганда олиниши аниқланган. Олинган дастлабки қонуният кейинги йилларда ҳам такрорланиши кузатилган. «Оқдарё -6» навида ҳам ушбу қонуният кузатилган. АФУ ва НКФУ ўғитлари меъёрларининг ошиб бориши ва ўртача ҳосил орасидаги боғлиқлик чизиқли характерга эга ($y=a+b_1x+b_2x^2$) бўлиб, «Омад» навига нисбатан «Оқдарё -6» навида, АФУ ўғитига нисбатан НКФУ ўғити меъёрларига боғлиқлик зичроқ эканлиги аниқланган (4-расм).



4 - расм. АФУ ва НКФУ ўғит меъёрларининг ҳосилдорлик орасидаги боғлиқлиги, (ўртача 3 йиллик)

Диссертациянинг «Пахта етиштиришда фосфор сақловчи ўғитларни қўллашнинг иқтисодий ва биоэнергетик самарадорлиги» деб номланувчи тўртинчи бобида қўлланилган ўғитлар меъёрлари ва ғўза навлари бўйича иқтисодий ва биоэнергетик самарадорлик маълумотлари келтирилган.

Қизилқум фосфоритлари асосида ишлаб чиқарилган фосфор сақловчи ўғитлар ҳисобига олинган соф даромад тажриба вариантлари бўйича 2009 йилги нархлар бўйича «Оқдарё -6» навида гектаридан 249423 – 524056 сўм, «Омад» навида эса 170223 – 483099 сўмгача ўзгариши, энг юқори соф даромад ҳар иккала навда ҳам НКФУ 175 кг/га вариантыда олинганлиги аниқланган.

АФУ ва НКФУ ўғитларини N250K125 фонида гектарига 175 кг дан қўллаш пахтачиликда рентабеллик даражаси 34,5 фоиз, олинадиган соф даромад 466 – 524 минг сўм бўлиши аниқланган.

1 – жадвал

Фосфор сақловчи ўғитларнинг пахта етиштиришдаги биоэнергетик самарадорлиги, (2007-2009)

№	Вариантлар	Ўғит қўллаш ҳисобига олинган қўшимча ҳосил, ц/га		Қўшимча ҳосил таркибидаги энергия, Мж		Минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва қўллаш учун сарф бўлган энергия, Мж	Биоэнергетик самарадорлик (ФИК)	
1.	Назорат (ўғитсиз)	-	-	-	-	-	-	-
2.	N ₂₅₀ K ₁₂₅ – фон	14,9*	15,7**	26817,02*	28256,86**	22687,7	1,18*	1,24**
3.	Фон + P ₁₇₅ АМ	23,3*	23,8**	41935,34*	42835,24**	31700,0	1,32*	1,35**
4.	Фон + P ₁₂₅ АФУ	17,8*	18,7**	32036,44*	33656,26**	29125,0	1,09*	1,15**
5.	Фон + P ₁₅₀ АФУ	20,9*	21,5**	37615,82*	38695,70**	30412,5	1,23*	1,27**
6.	Фон + P ₁₇₅ АФУ	23,3*	23,6**	41935,34*	42475,28**	31750,0	1,32*	1,33**
7.	Фон + P ₂₀₀ АФУ	21,7*	21,6**	39055,66*	38875,68**	33037,5	1,18*	1,17**
8.	Фон + P ₁₂₅ НКФУ	18,6*	19,5**	33549,94*	35173,32**	29175,0	1,14*	1,20**
9.	Фон + P ₁₅₀ НКФУ	21,3*	21,8**	38335,74*	39235,64**	30462,5	1,26*	1,28**
10.	Фон + P ₁₇₅ НКФУ	23,7*	23,9**	42655,26*	43015,22**	31750,0	1,34*	1,35**
11.	Фон + P ₂₀₀ НКФУ	22,7*	21,4**	40855,46*	38515,72**	33087,5	1,23*	1,16**

Изоҳ: * - «Омад» нави / ** - «Оқдарё-6» нави

Қўлланилган АФУ ва НКФУ ўғитларини ғўзанинг «Омад» ва «Оқдарё -6» навидаги биоэнергетик фойдали иш коэффициентлари юқорилиги аниқланган. Мақбул ўғитлаш меъёрларида АФУ ўғитининг биоэнергетик самарадорлиги «Омад» навида 1,32, «Оқдарё-6» навида 1,33, НКФУ ўғитида эса нисбатан юқори эканлиги аниқланган (1 - жадвал).

Диссертациянинг «**Тажриба натижаларининг ишлаб чиқариш синови**» деб номланган бешинчи бобида Самарқанд вилояти Оқдарё ва Каттакўрғон туманлари фермер хўжалиklarининг магний карбонатли ўтлоқ тупроқлари шароитида ғўзанинг «Омад» навида ишлаб чиқариш синови натижалари келтирилган. Оқдарё тумани фермер хўжалиklarида ўғит турларига боғлиқ ҳолда энг юқори ҳосил 31,2 – 34,7 ц/га НКФУ ўғитини гектарига 175 кг P₂O₅ ҳолида қўлланилганда олинган. Худди шу меъёрда АФУ ўғити ҳисобига олинган ҳосилдорлик 31,1 – 34,3 ц/га ни ташкил этган. Каттакўрғон тумани шароитида ҳам олинган натижалар тасдиқланганлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Магний карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқлар шароитида Қизилқум фосфоритлари асосида олинган АФУ ва НКФУ ўғитларни қулай нисбатларда қўлланилган вариантларда гумус миқдорининг дастлабки кўрсаткичига нисбатан деярли (0,01 – 0,03 %) ўзгармади. Ушбу ўғитлар тупроқдаги гумус миқдори таъсири бўйича аммофос ўғити билан бир хил бўлди.

2. Тупроқ таркибидаги нитрат ва аммоний шаклидаги азот миқдорининг ўзгариши ўғит тури ва унинг меъёрига боғлиқлиги ҳамда бир хил меъёрда қўлланилганда тупроқдаги минерал азот миқдори таъсири бўйича ўғитлар тенг аҳамиятга эга экан.

3. Қизилқум фосфоритлари асосида олинган АФУ ва НКФУ ўғитлари N250K125 фонида 175 кг/га (P₂O₅) меъёрда қўллаш магний карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқлар шароитида ғўзанинг фосфорли озикланиши учун қулай фосфат режимини ҳосил қилиб, ҳаракатчан фосфорнинг миқдори ғўзанинг 2 – 3 чинбарг ва гуллаш фазаларида тегишлича 14,5; 15,2; 16,3; 18,0 мг/кг га ошишини, унинг дастлабки кўрсаткичини эса ўсув даври охирига келиб 1,9 ва 2,2 мг/кг юқори миқдорда бўлишини таъминлайди.

4. Чанг – Джексон усулининг Аскинази, Гинзбург, Лебедева варианты бўйича тупроқ фосфатлари фракциялари таҳлили кўрсатишича, Қизилқум фосфоритлари асосида олинган АФУ ва НКФУ ўғитлари таркибидаги фосфор тупроқ фосфатлари фракцион таркибининг бўш бириккан фосфор фракциялари (CaI-P) миқдори юқори бўлишини таъминлайди. Ўғит меъёрларининг ошиши минерал фосфатлар миқдорини бирмунча ошириб, қўлланилган ўғитлардан фосфорнинг энг кўп трансформацияси юқори асосли кальций фосфатлари (CaII-P) фракциясида юз бериши кузатилади.

5. Магний карбонатли ўтлоқ тупроқлар шароитида қўлланилган АФУ ва НКФУ ўғит меъёрларининг тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор, фосфат сифими ва фосфат интенсивлиги орасидаги боғлиқлик зич бўлиб, корреляция коэффициентлари $r=0,86-0,99$ га тенг бўлди.

6. Ўсув даври давомида ғўза ўсимлигида фосфорнинг ялпи концентрацияси сезиларли ошиб, пишиш фазасида пахта ҳосили ва ер устки қисми билан озиқ моддани олиб чиқиб кетилиши ўғитсиз – назорат ва фонга нисбатан ўғитларни қўллаш вариантларида ишонарли ортади. Қўлланилган ўғитдан фосфорнинг фойдаланиш коэффиценти ўртача уч йилда 13,2 – 13,5 фоизни ташкил этди. АФУ ва НКФУ ўғитлари меъёрлари ва фойдаланиш коэффиценти орасидаги боғлиқлик ($y=a+b_1x+b_2x^2$) эгри чизиқли характерга эга, боғлиқлик «Омад» нави бўйича АФУ ва НКФУда кучсиз ($r=0,66 - 0,67$), «Оқдарё-6» навида эса боғлиқлик бироз кучайиши ($r=0,78 - 0,79$) исботланди.

7. Ўрта толали ғўзанинг «Омад» ва «Оқдарё -6» навларини ўсиши ва ривожланишига Қизилқум фосфоритлари асосида олинган АФУ ва НКФУ ўғитлари аммофос ўғити бир хил меъёрда қўлланилганда деярли тенг таъсирга эга. Ғўзани ҳар иккала навларининг гуллаш фазасида тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдори (X), ҳосил шохлар сони (Y) ва ўсимлик бўйи (Z) орасидаги боғлиқлик зич (регрессия тенгламаси ҳар иккала навда ҳам $Y = a+b_1X+b_2Z$) бўлишини таъминлади.

8. Ғўзанинг «Омад» нави бўйича ҳосилдорликнинг юқори кўрсаткичи НКФУ175 вариантыда бўлиб, ўғитсиз-назорат вариантыга нисбатан қўшимча ҳосил 23,7 ц/га ни ташкил этиши аниқланди. «Оқдарё -6» навида ҳам ушбу қонуният кузатилиб, қўшимча ҳосил 23,9 ц/га ни ташкил этди. АФУ ва НКФУ ўғит меъёрлари ва ҳосилдорлик орасидаги боғлиқлик тўғри чизиқли ва тиғиз характерли бўлиб, «Омад» навида АФУ ўғити корреляция коэффиценти $r=0,83$ га, НКФУ ўғитида эса $r=0,84$ га тенг. «Оқдарё-6» навида корреляция коэффиценти $r=0,71$, $r=0,70$ бўлиб, «Оқдарё-6» навига нисбатан «Омад» навида, АФУ ўғитига нисбатан НКФУ ўғитида боғлиқлик зичроқ бўлиши аниқланди. Фосфор сақловчи ўғитлар мақбул нисбатда қўлланилганда толанинг сифат кўрсаткичлари яхшиланишига олиб келади.

9. Қизилқум фосфоритлари асосида ишлаб чиқарилган НКФУ ва АФУ ўғитларини Ғўзанинг «Омад» навида гектарига 175 кг меъёрда қўллаш натижасида энг юқори рентабеллик 28,2 фоиз ва соф даромад 438099 сўмни, «Оқдарё-6» навида эса рентабеллик 30,1 фоизни ва 466889 сўм соф даромад олишни таъминлайди. Ўғитларнинг биоэнергетик самарадорлиги (ФИК) «Омад» навида тегишлича 1,32; 1,34, «Оқдарё-6» навида эса 1,33; 1,35 га тенг бўлишига эришилди.

10. Зарафшон водийси магний карбонатли ўтлоқ тупроқлар шароитида ўрта толали ғўзадан 38-40 ц/га ҳосил олиш ва тупроқда қулай фосфат режимини шакллантириш учун Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи АФУ ва НКФУ ўғитларини 1:0,7:0,5 нисбатда, гектарига 175 кг P2O5 миқдорида қўллаш ҳамда АФУ ва НКФУ ўғитларини 70 фоизини асосий ўғитлашда, 30 фоизини ғўза гуллаш фазасида қўллаш, азотли ўғитлар меъёрини белгилашда АФУ, НКФУ ўғитлари таркибидаги азотни ҳисобга олиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО – ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

САМАРКАНДСКИЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ

МАШРАБОВ МАНСУР ИБРАГИМОВИЧ

**НАУЧНОЕ ОБОСНОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ ФОСФОРСОДЕРЖАЩИХ
УДОБРЕНИЙ НА ПИТАНИЕ ХЛОПЧАТНИКА В УСЛОВИЯХ ПОЧВ С
КАРБОНАТНО – МАГНИЕВЫМ ЗАСОЛЕНИЕМ**

06.01.04. – Агрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.3.PhD/Qx200

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском сельскохозяйственном институте.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: www.soil.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Хашимов Фарход Хакимович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Ниязалев Бегали Ирисалиевич
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Каримбердиева Амина Азимовна
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Ташкентский Государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «05» 03 2018 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 по присуждению ученых степеней при научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (Адрес: 100179, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00, e-mail: info@soil.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (зарегистрирована № 7). (Адрес: 100179, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Тел: (+99871) 246-15-38).

Автореферат диссертации разослан «26» 02
2018 года (реестр протокола рассылки 2 от 21.02 2018 г.)



R.K. Kuziev
Р.К.Кузиев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

N.Yu. Abdurakhmonov
Н.Ю.Абдурахмонов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н, старший научный сотрудник

M.M. Tashkuziev
М.М.Ташкузиев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировое производство минеральных удобрений в 2016 году: азотных, фосфорных и калийных, составило, соответственно, 111,7; 41,7 и 32,7 млн. тонн¹. Среди питательных веществ доступные запасы фосфатной руды в мире ограничены. Более 80 процентов добываемых фосфатных руд после переработки используются для производства продуктов питания². Внедрением энерго- и ресурсосберегающих технологий в мировое сельскохозяйственное производство обеспечивается получение высокого урожая с хорошим качеством. Однако, в результате снижения плодородия и ухудшения мелиоративного состояния, эрозии и засоления почв, за счет неэффективного использования минеральных удобрений наблюдается снижение урожайности сельскохозяйственных культур на 15-22 процентов.

Исследования по повышению эффективности фосфорсодержащих удобрений, определению оптимальных норм удобрений для хлопчатника и других культур севооборота, совершенствованию агротехнологий и внедрению их в сельскохозяйственное производство проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, таких как³, The University of Texas School of Law (США), Rothamsted experimental station (Великобритания), Chinese Cotton Research Institute (Китай), Indian Central Institute for Cotton Research (Индия), International Plant Nutrition Institut (IPNI).

В нашей республике ведутся широкомасштабные мероприятия по внедрению технологий, обеспечивающих сохранение и повышение плодородия почв, улучшению, их мелиоративного состояния, повышению эффективности удобрений, урожайности сельскохозяйственных культур, улучшению качества урожая, обеспечения продовольственной безопасности. В Стратегии Действий по развитию Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы: «...широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, расширение инфраструктуры агрохимических услуг» определены одной из важнейших стратегических задач.

В связи с этим, для дальнейшего развития сельского хозяйства республики, изучение влияния удобрений нового типа, полученных на основе местного сырья, на питательный режим почв, фракционный состав фосфора луговых почв с карбонатно-магниевым засолением, повышение коэффициента использования фосфора из удобрений, в целях получения высокого и качественного урожая хлопка – сырца, является актуальной задачей.

¹ <http://www.apk-inform.com>

² <http://www.ipni.net>

³ <http://www.caas.cn/en>; <http://www.rotamsted.org>; <http://www.cicr.org.in>; <http://www.global.oup.com>;
<http://www.ipni.net>

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, поставленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан за № ПП – 2640 от 24 октября 2016 года «О мерах по совершенствованию системы защиты растений и агрохимического обслуживания сельского хозяйства», Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 03-2-7 от 26 декабря 2016 года «Комплексная программа мероприятий по развитию системы обеспечения сельского хозяйства минеральными удобрениями, средствами химической и биологической защиты растений, улучшения качества агрохимического обслуживания на период 2017–2020 годы» и другими нормативными документами.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Изучению влияния фосфорсодержащих удобрений, полученных на основе Кызылкумских фосфоритов в различных почвенных условиях, на пищевой режим, рост, развитие, урожай отдельных культур посвящены работы К.Мирзажанова, Н.И.Ибрагимова, Б.И.Ниязалиева, С.М.Тажиева, Т.П.Вайса, Б.Х.Тиллабекова, О.В.Мячиной, А.Т.Алиева, Р.Н.Ким, Р.Н.Назарова, Х.Мирзакулова, А.Эркаева, А.Тоштемирова, Ш.Каримова, Д.Сиддиқовой, Л.А.Мирзаева, М.Ф.Кадирходжаевой, С.С.Шукуровой, С.Тухтаева, Х.А.Раимбердиева, Ф.Х.Хошимова, М.А.Хайитова и ряда других исследователей. Однако, влияние удобрений, таких как АФУ и НКФУ, полученных на базе фосфоритов Кызылкума, на луговых почвах с карбонатно-магниевым засолением, недостаточно изучены. Изучение фосфатного режима почв в условиях данного типа засоления и влияние удобрений на условия питания, на содержание общего и подвижного фосфора, фракционного состава фосфора, коэффициента использования фосфора из удобрений, рост, развитие и урожайность хлопчатника имеет важное научное и практическое значение.

Связь исследований диссертации с планом научно исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно исследовательских работ прикладного научного гранта КХА-9-008-2015 «Разработка оптимальных норм внесения удобрений, полученных на основе фосфоритов Кызылкумов на карбонатных почвах среднего течения реки Зерафшан» (2015-2017 гг.)

